

УДК.711.4.011.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИ

СамДАҚИ доц.М.Б. Худоярова

Катта ўқитувчи. Ў.Ў.Маматкулов

ўқитувчи. А.И.Тохиров

АННОТАЦИЯ

Қишлоқ ҳудудларининг жамоат биноларини жойлаштириш билан шаклландирган жамоат марказлари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни амалга ошириш билан бирга, бир вақтнинг ўзида муҳим аҳамиятга эга бўлган марказ ҳисобланади. Мақолада жамоат марказларининг қишлоқ ҳудудларида жойлаштиришнинг табиий иқлим шароитлари, ландшафти, рельефи асосида, унинг архитектуравий - режавий, композициявий, ҳажмий -фазовий шакллантириш ҳамда ҳудуднинг бошқа қисмлари билан узвий боғлаш муаммолари кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ

Формирующиеся из общественных зданий, общественные центры сельских поселков являясь местом проведения политических, социальных и экономических мероприятий, одновременно является имеющее особенное значение центром села. В статье на основе изучения природно - климатических условий, рельефа местности, ландшафта территорий сельских населенных мест рассмотрены вопросы архитектурно – планировочных, композиционных, объемно –пространственных формирований общественных центров, их размещения, а также взаимосвязь с другими частями поселков.

Республикамиз ҳукумати қишлоқ ҳудудларини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисига умумий хизмат қилиш тизимини ривожлантириш, ҳудудларда ижтимоий инфраструктурани яратиш муаммоларига катта аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги бир қатор фармонларида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, комплекс ривожлантириш, йўл транспорт инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа

объектларини барпо этиш белгилаб берилган. Қишлоқ аҳолисига умумий хизмат қилиш тармоқлари, қишлоқлараро маданий - маиший хизмат кўрсатишнинг ягона тизими, ижтимоий - иқтисодий, ҳамда шаҳарсозликнинг композициявий шакллантириш шарт шaroитлари асосида рационал бўлган қишлоқ жамоат марказларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Қадимдан жамоат бинолари меъморчилигига катта аҳамият берилган. Бу уларнинг жойини танлашда, такрорланмас ташқи кўринишга эгаллиги, алоҳида меъморий ёрқинлиги, ҳамда табиат билан узвий боғлиқлигида кўринади. Қишлоқ худудларининг жамоат биноларидан шаклланган жамоат марказлари эса асосий вазифани бажаради ҳамда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар билан бирга, бир вақтнинг ўзида муҳим аҳамиятга эга бўлган марказ ҳисобланади. Қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларининг композициявий ғояси, асосий объектларнинг, худуднинг бошқа қисмлари билан узвий боғлаш ва уни яқин масофалардан умумий кўринишини таъминлашдан иборат.

Жамоат маркази - асосий жамоат биноларининг аҳоли яшайдиган худуднинг бир қисмида бир ерга тўпланишидан: маъмурий, маданий - маърифий, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва ҳоказолардан иборат. Бу бинолар одатда майдон атрофида ёки асосий кўчада жойлашади. Меъморий - лойихавий ташкил қилишда асосий ролни жамоат маркази бажаради.

Қишлоқнинг марказий қисмини йирик бино билан акцентлаш бадиий эффект берадиган асосий композициявий усул ҳисобланиб қолади. Бундай биноларга маданият уйлари, мактаб, маъмурий бинолар, савдо бинолари ёки жамоат бинолари ансамбли киради. Қишлоқларни лойихалашда қабул қилинган зоналарга бўлиш тизими, жамоат биноларини марказнинг ихчам зонасида жойлаштиришни тақозо этади, фақат бундан истесно, жойлардаги махсус жойлашув шароитлари кўшимча кичик марказларни кераклигини тақозо этган ҳолларда бўлади.

Жамоат марказларини қишлоқ аҳолиси турар жойларида жойлашувининг иккита варианты мавжуд : бир жойда тўпланган, бунда асосий жамоат бинолари битта майдонда, кўча участкасида ва ҳоказоларда жойлашади; ёйилиб жойлашган, бунда шаклланган жойлашув тизимида қишлоқнинг турли бурчакларида аҳолини тўлиқ хизмат билан қамраб олиш учун марказ ва кичик марказларни қуриш имконияти туғилади. Бу майда бўлинган қишлоқлар жойлашуви ёки узок масофаларга йўл бўйлаб чўзилган ёки дарё бўйлаб қурилган қурилишлардир.

Жамоат марказига жойини танлашда эстетик вазифаларни, функциявий талабларни, ташқи ва ички боғлиқликларни

қулайлаштириш имкониятини ҳисобга олиш керак. Жамоат маркази қишлоқнинг архитектуравий – табиий ансамблини композициясини ташкил қилишда бошланғич бўлиши керак. Жамоат марказининг лойиҳавий ечимининг хусусиятлари қишлоқнинг катта – кичиклигига ҳам боғлиқ. Катта бўлмаган қишлоқларда жамоат марказлари асосий майдон кўринишида йиғилади. Йирик қишлоқларда жамоат марказлари майдонлар мажмуаси сифатида ёки ривожланган лойиҳавий тартибда кўп функцияли майдон, бульвар ёки сув бўйида эркин жойлашган жамоат бинолари кўринишида ечилади.

Жамоат марказининг асосий кўчада ташкил этилиши кўп ҳолларда учрайди. Жамоат марказининг энг оддий жойлашуви кўчанинг қизил чизиғи бўйлаб ёки ундан озгина чекиниб жойлашуви ҳисобланади. (расм 1).



Бошқа варианты – жамоат марказини участкани ичкарасида жойлаштириш, унинг олдида майдон ташкил қилиш (расм 2).



Учинчи варианты –марказ учун асосий кўчанинг бир қисмидан фойдаланиб умумий ўқга боғлаб ишланган –асосий кўча. Ажратиш яшил кўкаламзорлар ёрдамида амалга оширилади, асосий фасад очик қолдирилади ёки бино ҳар тарафдан қуршаб олинади. Ҳозирги вақтда кўчанинг ўқини жамоат биноси билан тугатиш усули кенг тарқалган. Бу усул қишлоқ жамоат марказларида серхашам ҳиссиёт туғдирадиган, хашаматли, тантанаворли ансамблларни яратишга имкон беради. Ўқли тугалланиш усули юқори даражада маконни тартибли, аниқликни, мантиқан тўғри ечимга эга бўлган ансамблларни яратишга имкон беради (расм 3).



Жамоат маркази, композициявий марказ ҳам ҳисобланади, шунинг учун уни жойлаштириш кўчаларни, турар жойлар ва кўкаламзорлаштирилган массивларни лойиҳалаш билан бир вақтда амалга оширилади. Одатда жамоат маркази турар жой территориясида жойлашади ва унинг ҳамма аҳоли жойлашган қисмига бир хил доирада хизмат қилади.

Қишлоқ ҳудудларининг жамоат марказлари тизимини туманни режалаштиришнинг схема ва лойиҳалари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг меъморий-режавий схемаларига боғлиқ ҳолда қуйидаги таркибда ишлаб чиқиш жоиз бўлади: қишлоқлараро хизмат маркази вазифасини бажарувчи жамоат маркази; маҳалла марказлари.

Жамоат марказлари тузилмаси ва таркибини манзилгоҳ катта-кичиклиги, хўжалик ва туманга хизмат кўрсатиш тизимидаги унинг вазифаси ҳамда манзилгоҳни режалаштириш тузилмаси хусусиятларига мувофиқ равишда аниқлаш жоиз.

Режада чизилган ё қисмларга бўлиб юборилган шаклга эга манзилгоҳларда хизмат кўрсатишнинг қўшимча марказларини олдиндан мўлжаллаб қўйишга тўғри келади.

Йириклашган кўрсаткичлар учун жамоат марказларини (парклар ва текис ердаги спорт иншоотларини ҳисобга олмаганда) 8-12 м²/одам ҳисобидан келиб чиқиб белгилаш жоиз бўлади (катта кўрсаткичлар манзилгоҳлар учун).

Жамоат марказининг режалаштириш ечимида тежамкорликни ошириш учун вазифаси жиҳатидан яқин бўлган ҳудудларни бирлаштириш ва жамоат маркази қурилишида биноларнинг йириклаштирилган ширкат намуналаридан фойдаланиш кўзда тутилади.

Қишлоқ ҳудуди ҳар қандай ҳолатда ҳам шаҳар ҳудудидан кичик бўлади ва бу ҳол унинг марказигача пиёдаларнинг бемалол қатновини таъминлайди. Шунинг учун ҳам қишлоқларда моноцентрик, яъни бир марказли тизим қўлланилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ягона жамоат марказида жойлашади. Айрим ҳолларда мактаб биноси ҳам жамоат маркази таркибига кириши мумкин. Бу катта ёшдаги аҳолининг кечки вақтда мактабнинг жамоат хоналари, спорт зали ва спорт майдончаларидан фойдаланишига имкон беради.

Қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларининг тизимини туманларни режалаштириш схемалари ва лойиҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудининг меъморий-режавий ташкиллаштирилиши схемалари билан уйғунлаштирган ҳолда, ШНҚ 2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ташкил қилиш” га мувофиқ, қуйидаги таркибд ишлаб чиқиш лозим:

- қишлоқ аҳоли пунктининг жамоат маркази;
- махалла марказлари.

Қишлоқ жойлаштириш тизими марказлари ролини бажарадиган қишлоқ аҳоли пунктларидаги жамоат маркази аҳоли пунктлараро хизмат кўрсатиш маркази вазифасини ҳам бажаради.

Жамоат марказларининг тузилиши ва таркиби қишлоқ аҳоли пунктининг катталиги, унингхизмат кўрсатиш тизимидаги роли, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктининг режавий тузилмаси хусусиятларига мувофиқ аниқланиши лозим.

Узунчоқ ёки бўлинган шаклга эга қишлоқ аҳоли пунктларида, ҳисоб-китобларга мувофиқ, қўшимча равишда хизмат кўрсатиш кичик марказларини кўзда тутиш мумкин.

Жамоат марказининг режавий ҳал этилиши тежамкорлигини ошириш учун марказнинг қурилмаларида биноларнинг йириклаштирилган гуруҳли турларидан фойдаланиш лозим.

Қишлоқ аҳолисига бир текис хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун жамоат марказини аҳоли яшаш ҳудудининг геометрик марказига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Агар қишлоқ бир неча хўжаликларнинг умумий маркази ҳисобланса, марказ катта йўлга, ташқи транспорт бекатлари яқинига жойлаштирилиши мумкин.

Жамоат марказларини юқорида кўрсатилган муаммоларни чуқур ўрганиб архитектуравий –режавий ва ҳажмий - фазовий ташкиллаштириш лойиҳасини комплексли ишлаб чиқиш республикаимиз ҳудудларидаги фуқаролар йиғини жойлашувини шакллантириш ва уларни риивожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Х.М.Убайдуллаев,М.М.Инағомова
Туларжойважамоатбиноларитипологикасослари» Т. 2009 г.
2. О.К. Гурулёв Архитектура жилых и общественных зданий для села. М. 1988 .
3. Ш.Р. Мирзаев Меъморилик. Тошкент. 2010 й.
- 4.ШНҚ 2.07.01-03* Шахарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш. Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. 2009
- 5.ШНҚ 2.07.04-06 «Қишлоқ хужалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш» узбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кумитаси - Тошкент, 2006 й.

АННОТАЦИЯ

Қишлоқ ҳудудларининг жамоат биноларини жойлаштириш билан шаклланадиган жамоат марказлари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни амалга ошириш билан бирга, бир вақтнинг ўзида муҳим аҳамиятга эга бўлган марказ ҳисобланади. Мақолада жамоат марказларининг қишлоқ ҳудудларида жойлаштиришнинг табиий иқлим шароитлари, ландшафти, рельефи асосида, унинг архитектуравий - режавий, композициявий, ҳажмий -фазовий шакллантириш ҳамда ҳудуднинг бошқа қисмлари билан узвий боғлаш муаммолари кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ

Формирующиеся из общественных зданий, общественные центры сельских поселков являясь местом проведения политических, социальных и экономических мероприятий, одновременно является имеющее особенное значение центром села. В статье на основе изучения природно - климатических условий, рельефа местности, ландшафта территорий сельских населенных мест рассмотрены вопросы архитектурно – планировочных, композиционных, объемно – пространственных формирований общественных центров, их размещения, а также взаимосвязь с другими частями поселков.